

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

АНГРЕНДА ЯНА БИР НОЁБ ЛОЙИҲА

Ангрен шаҳрида “Худудий электр тармоқлари” АЖ ҳамда Хитойнинг “Holley Technology” Ltd МЧЖ қўшма корхонаси билан ҳамкорликда трансформаторлар ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди.

▼ Яхши хабар



Viloyat bo'ylab

ANGREN shahar hokimi A.Rayimov ishtirokida ko'p qavatli uylarni kuz-qish mavsumiga tayyorlash yuzasidan yig'ilish o'tkazildi. Unda mas'ullarga kommunikatsiya infratuzilmasini takomillash-tirish, ichki va tashqi uylar yo'laklarini ta'mirlash, bolalar o'yingohini tartibga keltirish yuzasidan topshiriqlar berildi.

BEKOBOD tumanidagi ko'p tarmoqli markaziy poliklinikaning bolalar bo'limi uchun zamonaviy bino qurib berildi. Ochi-lish marosimida tuman hokimi Z.Nizomiddinov, davlat va jamoat tashkilotlari vakillari, shifokorlar, hudud faollari qatnashishdi. Yangi binoda 60 ming nafarga yaqin bolalarga markazlashgan sifatli tibbiy xizmat ko'rsatish uchun barcha sharoit yaratilgan.

BO'STONLIQ tumanidagi “Markaziy” mahalla fuqarolar yig'iniga qarashli Quruvchi ko'chasining 1 kilometri asfaltlandi. Shuningdek, Amir Temur nomli va Konchilar ko'chalariga 15 ta zamonaviy, quyosh nuri yordamida quvvatlanuvchi tungi yoritish chiroqlari o'rnatildi.

BEKOBOD shahar hokimining o'rinbosari X.Ashurov “Yangi Hayot” mahallasidagi “Shengli Stell” O'zbekiston-Xitoy qo'shma korxonasi faoliyati bilan tanishdi. Jarayonda korxonada ish samaradorligini oshirish hamda ish o'rinlarini to'g'ri taqsimlash holati o'rganildi. Korxonaning eksport salohiyati va mahalliy bozorni sifatli mahsulot bilan ta'minlashdagi o'рни alohida e'tiborga olindi.

O'RTA CHIRCHIQ tumani Davlat xizmatlari markazida tuman hokimi I. Kasimovning tadbirkorlar va ishbilarmonlar bilan uchrashuvi bo'lib o'tdi. Unda tadbirkorlarning taklif, muammo va murojaatlari tinglanib, ularning yechimi bo'yicha chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqildi.



Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда энергетика вазири ўринбосари Умид Мамадаминов, “Holley Group” корпорацияси президенти Ванг Сянь, шаҳар ҳокими Алишер Райимов, “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси Асроржон Асқаров ҳамда масъул раҳбар-ҳодимлар, худуд фаоллари иштирок этишди.

2



Kurortlar O'LKASI

Bundan ellik yil avval Toshkent viloyatiga ana shunday ta'rif berilgan ekan...

Bog-u rog'lar yaratish, bog'dorchilik bilan mashg'ul bo'lishga qadim-qadimdan eng ulug' va fazilatli faoliyat deb qarab kelingan. Insonlar ibtidoiy jamoa tuzumi zamonlaridan beri bog'larni hayot manbai, dasturxon fayzi va to'kinligining asosi, deb hisoblaganlar. Shu sababli Sharq shoirlari go'zal bog'lar va yashil shaharlarni “jannatmonand” deb ta'rif-tavsif qilib keladilar. Bundan ellik yil avval Toshkent viloyatiga ham “Kurortlar o'lkasi – jannatmonand yurt” deya ta'rif berilgan ekan. Bu bejiz emasdi...

Mana bu matnga e'tibor bering: “Kurort va sog'lomlashtirish muassasalari qurilishi bo'yicha oblast (izoh: mustaqillik davrigacha “viloyat” emas, “oblast” deb yuritilgan) boshqarmasi Chorvoq dam olish zonasini va Chimyon tog' etaklarida, umuman, poytaxt oblastimizning xushmanzara joylarida mehnatkashlar dam olish maskanlari bunyod qilish bilan shug'ullanadi. Chorvoq suv ombori va Chimyon vodiysi rayonida shu maqsadda to'rt ming gektar yer maydoni ajratildi. Kelgusida bu yerda yangi kurortlar zonasini bunyod etiladi. 150 ga yaqin dam olish uyi, sanatori, sog'lomlashtirish lageri ishlab turadi. Ularda bir vaqtning o'zida yoz faslida 90 ming, qishda esa 50 ming kishi salomatligini tiklashi mumkin. Chorvoq suv omboridan deyarli 20-25 kilometr narida esa katta qurilishlar boshlanadi. Bu dam olish zonasining uchdan bir qismi o'quvchi-yoshlar ixtiyorida bo'ladi. Ta'tilga chiqqan o'quvchilar yozni shu lagerlarda o'tkazadilar. Qurilishlarni to'rt bosqichda amalga oshirish yuzasidan aniq tadbirlar belgilab qo'yilgan. Chorvoq suv ombori sohili massivini o'zlashtirish 1978-yilgacha tugallanadi. Tog'-chang'i sporti va turizm zonasini 36,5 kvadrat-kilometr kenglikni ishg'ol qiladi.”

(Davomi 2-sahifada)

Янгийул: ЯНГИ ТАЖРИБАЛАР МАРКАЗИ



Сўнги йилларда юртимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш борасида бир қатор янги ислохотлар амалга оширилмоқда. Янгийул тумани ҳам аграр соҳадаги ислохотлар марказларидан бирига айланиб бормоқда. Ташкент вилояти ҳокимлиги томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган пресс-турда тумандаги бу борадаги ижобий ишлар билан танишилди.

▼ Пресс-тур

Маълумки, туман иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Аҳолининг катта қисми айнан аграр соҳада меҳнат қилади, деҳқончилик ва чорвачилик орқали даромад топади. Маълумотларга қараганда, туманда қишлоқ хўжалигида



фойдаланиладиган ер майдони жами 24 минг 151 гектар бўлиб, шундан 18 минг 334 гектари сугориладиган, 3 минг 300 гектари бог ва тоқзор, 1 минг 379 гектари эса яйлов ерларини ташкил этади. Жорий йилда 7 минг 868 гектар ерга галла, 412 гектарга дуккакли, 1 минг 340 гектарга мойли, 2 минг 362 гектарга сабзавот, 593 гектарга полиз маҳсулотлари, 800 гектарга картошка экилди. Барча тоифадаги хўжалиқлар томонидан маҳсулот етиштириш бўйича ярим йилликда ўсиш суръатлари юз фоиздан юқори бўлди.

2

АНГРЕНДА ЯНА БИР НОЁБ ЛОЙИХА

Тадбир доирасида Туркий халқлар давлатлари ўртасидаги тақсимловчи электр тармоқларида хизмат кўрсатувчи электромонтерларнинг касб маҳорати мусобақаси ғолибларига эсдалик совгалари ва махсус мукофотлар топширилди.

Айни очилиш маросими бўлаётган вақтда Жиззах вилояти, Ташкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида ҳам учта йиллик лойиҳага старт берилди. Шу билан бирга, "Худудий электр тармоқлари" АЖ Самарқанд филиалида ўқув-машғулоти ва халқаро мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган полигон курилиши ҳам бошланди.

Маълумки, Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан "Худудий электр тармоқлари" АЖ томонидан харажатларни қисқартириш ва махсулот таннархини пасайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида Хитойнинг етакчи компаниялари билан бошқичма-бошқич хамкорлик йўлига қўйилмоқда.

Ангрен шаҳрида ишга туширилаётган куч трансформаторлари ишлаб чиқариш лойиҳаси бунга ёрқин мисолдир.

– Бундан икки йил илгари мазкур корхонанинг тамал тоши қўйилган эди, – дейди Ангрен электр тармоқлари кор- (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

хонаси бошлиғи Фурқат Мирзалиев. – Ўтган даврда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида бу ерда замонавий ишлаб чиқариш бинолари куриб битказилди.

Лойиҳага кўра, бу ерда 6-10 кВт. тарқатиш тармоқлари учун 25-3150 кВА. қувватли транс-



форматорлар ҳамда 35 кВт. тарқатиш тармоқлари учун 100-2500 кВА. қувват трансформаторлари ишлаб чиқарилади. Ҳозир 50 нафар иш ўрни яратилган бўлиб, келгусида 200 нафар аҳолининг бандлиги таъминланади.

Шу кун Юқори Чирчиқ туманида ишга туширилаётган куч трансформаторлари учун ҳимоя қутиси ва бошқа турдаги электр қурилмаларни ишлаб чиқариш лойиҳасига ҳам старт берилди. "Худудий электр тармоқлари" АЖ томонидан харажатларни қисқартириш ва махсулот таннархини пасайтириш бўйича мўҳим жараён ҳисобланади.

Тадбир давомида иштирокчилар корхона фаолияти, ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда мавжуд техникаларнинг ишлаш тартиби билан танишишди.

Нигора ҲОЛОВА,
"Ташкент ҳақиқати" мухбири

Мавжуд имкониётлардан самарали фойдаланиш мақсадида туманда иккинчи экин экиш амалиёти кенг жорий этилмоқда. Туман ҳокимининг тегишли қарори билан 6 минг 52 гектар галладан ва 351 гектар эртаки экинлардан бўшган ер майдони тақририй экин учун ажратилди.

Жумладан, "Дўстлик" худудидаги "Салимхўжа ота" фермер хўжалигининг умумий ер майдони 37 гектар бўлиб, шундан 5 гектари га тақририй экин сифатида

"Хўжабод" маҳалласидан. У фермерлар ва томорқа эгаларидан булғор ва аччиқ қалампир, помидор, кўкат махсулотларини олиб, саралайди ва қадоқлаб республика ҳамда хориж бозорларига етказиб бермоқда.

Кооперация усулида ташкил этилган жараёнга ўнлаб хотин-қизлар, ёшлар жалб этилиб, мавсумий иш билан фермер хўжалигининг умумий ер майдони 37 гектар бўлиб, шундан 5 гектари га тақририй экин сифатида

иши каттагина даромад олиб келяпти.

– Авваллари булғор қалампир ва турли сабзавотлар етиштириш эдим, – дейди М. Тожибоев. – Розмарин ва тимьян етиштиришни менга қишлоқ хўжалиги махсулотларини сотиб олувчилар таклиф қилишди. Айтишларича, бу махсулотларга ҳозирда талаб катта экан. Барча ҳосил экспортга йўналтирилган. Келган фойдадан мингта ўрдак сотиб олиб, сув ҳавзаси ташкил

Янгийўл: ЯНГИ ТАЖРИБАЛАР МАРКАЗИ

картошка экилиши бошлаб юборилди.

– Тупроқ ва iklimимиз ердан унумли фойдаланишимиз учун қулай, – дейди хўжалик раҳбари Эркин Тоҳиров. – Шу сабабли ернинг бир қисмини картошка экиш учун ажратдик ва ишга "Ёшлар дафтари"да турганларни жалб қилдик. Уларга ерни тайёрлашда, уруғлик масаласида кўмак берилди, энди меҳнат қилиб, натижасини олишса бас.

Туманининг "Х.Турсунқулов" худуди сабзавот, полиз экинлари етиштиришга ихтисослашган бўлиб, бугунги кунда фермер ва деҳқонлар томонидан помидор, булғор қалампир ҳам етиштирилиб, экспорт қилинмоқда.

Шунингдек, соҳага янги технологияларнинг жорий этилиши, истиқболли сабзавот, мева, резавор ва кўкат навларининг яратилгани мавсумда бир неча бор ҳосил олиш имконини бериб берди.

Шу йўналишда ўз бизнесини ташкил этган тадбиркорлардан бири Улуғбек Ҳолиқов (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



манфаатли бўлмоқда. Сабаби, махсулотни қаерда сотсам экан деб бош қотиришмайди.

Мисол учун, Рустамали Тўражонов фермердан 10 сотих ерни ижарага олиб, аччиқ қалампир экди ва ҳосилни Улуғбек Ҳолиқовга топширди. Ҳамкорликдан иккала томон ҳам хурсанд.

Этиборлиси, туманда болзор талабидан келиб чиқиб, ҳозирда кам тарқалган, лекин истиқболли экин турларини етиштираётганлар ҳам кўпаймоқда.

Хусусан, "Байтиш" маҳалласида яшовчи Муҳиддин Тожибоев 9 сотих томорқасида розмарин ва тимьян плантациясини ташкил этди ва бу

этим. Меҳнатингдан кўнглидагидек фойда кўрсанг, янги режаларга йўл очиларкан. Бундан, албатта, мамнунман.

Туманда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги махсулотларини чуқур қайта ишлаш, балиқчиликни ривожлантириш ва резавор экинлар учун ажратилган майдонларни кенгайтиришга оид лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Пресс-тур иштирокчилари улар билан ҳам танишишди.

Нозима РАСУЛОВА,
"Ташкент ҳақиқати" мухбири
Жалопиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

"Toshkent haqiqati" gazetasida yarim asr avval, 1975-yilda chop etilgan yuqoridagi ma'lumotlarni o'qib, ko'nglimizdan ayrim mulohazalar kechdi. O'sha paytlarda bu hududda ulug' maqsadlar bilan bunyodkorlik ishlarini amalga oshirgan avlod vakillarining ko'pchiligi allaqachon vafot etib ketishgan. Ammo ular bajaragan xayri ishlarining mevalaridan bahramand bo'lish biz – yangi asr kishilariga nasib etdi. Yaqinda Bo'stonlik tumanidagi "Oqto'sh – Kimyogarlar" oromgohida bo'lganimizda bunga yana bir bor amin bo'ldik.

– O'tgan asrning 50-yillarida bu oromgoh Chirchiq shahridagi "Elektroximprom" korxonasi qarasli bo'lgan, – deydi "Oqto'sh – Kimyogarlar" oromgohi MCHJ direktori Alisher Mirzaxonov. – Mustaqillikdan keyin "Maksam-Chirchik" AJ tasarrufiga o'tdi. Hozirgi kunda oromgohimiz 3 gektar hududni egallagan. Hududda asosiy to'rt qavatli binodan tashqari 7

ob'yektlarga piyoda yoki ulovlarda ekskursiyalar tashkil qilinishi mumkin.

Bir smenada 250 nafar kishi dam oladi. Ular xohlasa 6 kun, xohlasa 12 kun. Yo'llanmaning 10-15 foizi yonidan, qolgan korxonamiz hisobidan to'lanadi. Bu yil shu kunga qadar 1070 nafar kishi dam oldi. Ularning 70 foizi korxonamiz ishchi-xodimlari.

Gulmira Usmonova – oromgoh shifokori. U bilan umrni uzaytirish omillari xususida suhbatlashdik.

– Kishining o'rta umri turli davrlarda turlicha bo'lgan, – deya gap boshladi Gulmira Usmonova. – Masalan, odamlar ibtidoiy jamoa tuzumida 18 yil, bronza davrida 21 yil, antik davrda 25 yil, XIX asrda 35 yil, XX asr boshlarida 45 yil o'rta umr ko'rganlar. Bugungi kunga kelib bizda o'rta umr 74 yosh.

Uzoq umr ko'rib, hayotini rohat-farog'atda o'tkazayotgan kishilar yurtimizda ko'plab topiladi. Ular bilan suh-

Xalqimizda bir gap bor. Hovlingdan oqqan suvning qadri yo'q, deyishadi. Qarang-a, yurtimizda bizning Oqto'sh oromgohi kabi qanday jannatmondan joylar bor. Lekin ko'pchiligimiz to'y-hashamlaru, o'tiqcha, keraksiz qurilishlardan ortib, hayotda bir marta ham bunday yerlarga kelmaymiz, kelolmaymiz...

Xullas, sog', bardam va xushchaqchaq bo'lish uchun sayohat qilish, tog'larga chiqish, dengizlarda cho'milish, oromgohlarda dam olish, musiqa tinglash, kitob o'qish, teatr va konsertlarga borish kerak.



o'rganishsa, sport va jismoniy tarbiya to'garagida futbol, voleybol, gimnastika, shuningdek, jismonan sog'lom va serharakat hayot tarzidan saboq olishadi. Xullas, har daqiq – yangi bilim, yangi xursandchilik!

Yaqinda O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi tomonidan "Biz – yangi O'zbekistonning vatanparvar yoshlarimiz!" loyihasi doirasida tabdir tashkil etildi. Unda bolalar turli bellashuvlar doirasida o'zaro kuch sinashdilar. Tadbir yakunida g'olib va sovrindor jamoalar hamda faol qatnashchilar munosib taq-



Kurortlar o'lkasi

ta kottej ham bor. Oilaviy hordiq olaman deganlar o'sha kottejlarni ham vaqtinchalik oshiyon qilishlari mumkin.

Bizda dam oluvchilar nafaqat toza havodan bahra olishi, balki diagnostika va tibbiy xizmatlardan foydalanishi, maxsus kompleksli dasturlardan o'tishi, tibbiy xizmatlardan foydalanishi mumkin.

Mijozlarimiz kuniga to'rt marta tamaddixonaga kirishadi. Ixtiyoriy Mayasupov, Umidjon Mirzarayev kabi oshpazlarimiz tayyorlagan taomlarni hamisha maqtat tanovul qilishadi. Tez-tez va tartibli taomlanish mijozga sog'lom ovqatga o'rganish va keyinchalik uni doimiy taomnoma sifatida tanlashga yordam beradi.

Basseyn, sport maydonchalari, sport va fitnes yo'riqchilari – bularning hammasi dam oluvchilar xizmatida. Tez-tez madaniy-ko'ngilochar dasturlar ham tashkil qilib turiladi. Masalan, bir oqshom diskoteka bo'lsa, ikkinchi kuni albatta yozgi kinoteatrimizda eng yaxshi filmlardan biri namoyish qilinadi. Shu bilan birga, dam oluvchilarning istagiga ko'ra, oromgohimiz hududidan tashqarida joylashgan

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada)



batlashsangiz, dilingiz yayraydi. So'zlari samimiy, xotiralari joyida. Uzoq umr sirilarini so'rasangiz, deyarli hammalaridan: "Vaqtida mehnat qilib, vaqtida hordiq chiqaradigan, o'zlarini har xil nojo'ya ish-lardan tiya biladigan odamlargina uzoq yashaydilar", degan bir xil javobni olasiz.

Biz keyingi paytlarda arizasam narsalarga ham jizzaki bo'lib qolaymiz. Biror narsadan jahlimiz chiqsa, darhol tinchlantiruvchi dori ichishga harakat qilamiz. Bunday paytlarda inson organizmni kimyoviy dorilar bilan zaharlashga shoshilmasligi kerak. Shifokorlar shunday lahzalarda tinchlanishning bir necha usullarini taklif qilishadi: Avvalo, to'yib uxlash. Tiniqib dam olgan odam murakkab vaziyatlardan osongina chiqib keta oladi. Chiniqish (dush qabul qilish), to'g'ri ovqatlanish va sport bilan shug'ullanish. Jismoniy harakatlari ruhiy zo'riqshdan xalos etadi.

Vrach-terapevt Gulmira Usmonova bilan birgalikda "Maksam-Chirchik" AJ tasarrufiga "Kimyogar" bolalar sog'lomlashtirish oromgohiga kirib borar ekanmiz, o'zimizni shovqin-suronlarsiz go'shalarda tinchgina hordiq chiqarish niyatida kelgan og'ir-bosiq kat-talar davrasidan qutulib, faqat sho'xliklar uchun tug'ilgan quvnoq odamlar mamlakatiga kelib qolgandek his qildik.

– Oromgohimizda har daqiq qiziqarli va mazmunli o'tadi, – deydi "Kimyogar" bolalar sog'lomlashtirish oromgohi rahbari Klara Mahmadiyarova. – Rassomlik mashg'ulotlarida bolajonlar o'z tasavvurlarini bebaho asarga aylantirishadi. Qog'oz yoki yog'och o'y makorligi buyumlarini tayyorlash to'garagida qo'l mehnati va ijodkorlik rivojlanadi. Musiqa va raqs to'garagida xalq qo'shiqlarini, zamona-viy taronalari va turli millatlar raqsalarini

dirlandilar. Toshkent viloyati FVB xodimlari tomonidan favqulodda vaziyatlarni oldini olish va yong'in xavfsizligini ta'minlash borasida olib borilayotgan keng qamrovli profilaktik tadbirlarda, xususan "Men qutqaruvchiman" musobaqasida ham bolajonlarimiz faol ishtirok etdilar.

Klara Mahmadiyarova kompyuteridan bizga bir lavhani ko'rsatib, izohladi:

– Bizda mavsumning yopilish marosimlari ham juda ko'tarinki ruhda o'tadi – yetakchilarimiz va bolajonlar tomonidan sahna ko'rinishlari, ertaklar, raqsalar va jonli chiqishlar namoyish etilib, barchaga bayramona kayfiyat ulashamiz!

"Oqto'sh" oromgohlaridagi ko'ngli oq insonlar davrasidan qaytar ekanmiz, beixtiyor mashhur amerikalik yozuvchi Oskar Uayldning "Qalbingizni yorqin taassurot bilan davolang" degan so'zlarini esladik. Darhaqiqat, osmonni masaf-fo yurtning musaffo havolaridan nafas olib yashasangiz, atrofingizda hamisha yaxshi kayfiyat va osudalik hukm sursa, asabiylashishlar ham, kasalliklar ham siz uchun begona bo'lib qolaveradi.

To'xtamurod HASANBOYEV,
"Toshkent haqiqati" muxbiri

O'zbekiston Respublikasi Davlat Mustaqilligining 34 yilligiga

DIQQAT, TANLOV: VATANIMNI MADH ETAMAN!

Toshkent viloyati hokimligi, Yozuvchilar va Jurnalistlar uyushmalarining viloyat bo'limlari, viloyat Madaniyat boshqarmasi, respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazining viloyat bo'limi hamkorligida Toshkent viloyatida tug'ilib, ijod qilayotgan professional va havaskor shoirlar o'rtasida O'zbekiston Respublikasi davlat Mustaqilligining o'tiz to'rt yilligiga bag'ishlangan "Vatanimni madh etaman!" deb nomlangan she'rlar ko'rik-tanloviga hujjatlarni qabul qilish jarayoni boshlandi.

* She'rlar:

– mamlakatimiz hayotining turli sohalarida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli demokratik islohotlar yurt-doshlarimizning turmushini yaxshilash, dunyoqarashini yuksaltirishga xizmat qilayotganini targ'ib etishga;

– so'nggi yillarda yurtimiz ma'naviy-ma'rifiy hayotida amalga oshirilayotgan islohotlar va bu borada erishilayotgan natijalarni turli tashbehlar, yangi adabiy topilmalar asosida tasvirlashga;

– Yangi O'zbekistonning dunyo hamjamiyatidagi nufuzi va obro'si oshib borayotganini, davlat va jamiyat hayotidagi o'zgarishlar izchil amalga oshirilayotganini hayotiy adabiyot va tarixiy yutuqlarga asoslangan misralar asosida madh etishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– mamlakatimizda hukm surayotgan tinchlik-osoysishtalik, chegaralarimiz daxsizligini asrash, doimo ogoh va hushyor bo'lib yashash, safarbarligimizni yanada oshirish – bugun hayotning o'zi talab qilayotgan eng muhim va dolzarb vazifamiz ekanini targ'ib etishga qaratilishi lozim.

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– mamlakatimizda hukm surayotgan tinchlik-osoysishtalik, chegaralarimiz daxsizligini asrash, doimo ogoh va hushyor bo'lib yashash, safarbarligimizni yanada oshirish – bugun hayotning o'zi talab qilayotgan eng muhim va dolzarb vazifamiz ekanini targ'ib etishga qaratilishi lozim.

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– mamlakatimizda hukm surayotgan tinchlik-osoysishtalik, chegaralarimiz daxsizligini asrash, doimo ogoh va hushyor bo'lib yashash, safarbarligimizni yanada oshirish – bugun hayotning o'zi talab qilayotgan eng muhim va dolzarb vazifamiz ekanini targ'ib etishga qaratilishi lozim.

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

– xalqimizning turmush darajasi, ongu tafakkuri, bilim va madaniyatini oshirish bo'yicha qilingan ishlarni adabiy talablar asosida ifoda etish hamda viloyatimiz jamoatchiligiga yetkazib berishga;

"Vatan uchun, millat uchun, xalq uchun!" euzu g'oyasi asosida o'tkazilayotgan ushbu tanlov g'oliblari:

* 1-o'rinni egallagan ishtirokchi 10 million so'm pul mukofoti, diplom bilan;

* 2-o'rinni egallagan ishtirokchi 7 million so'm pul mukofoti, diplom bilan;

* 3-o'rinni egallagan ishtirokchi 5 million so'm pul mukofoti va diplom bilan taqdirlanadi.

Shuningdek, uchta rag'batlantiruvchi o'rin sohiblarining har biri 3 million so'm pul mukofoti hamda diplom bilan taqdirlanadi.

* Tanlovga taqdim etilgan ijodiy ishga quyidagi hujjatlar ilova qilinishi lozim:

* muallif haqida ma'lumot-noma (ob'yektivka);

* muallifning pasporti yoki ID-karta nusxasi;

▼ Давра суҳбати

Нурафшон шаҳрида “Ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ННТлар фаолияти таҳлили: муаммо ва ечимлар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази вилоят ҳудудий бўлини, вилоят Адлия бошқармаси, “Юксалиш” ҳаракати, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳудудий бўлини ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, Фуқаролик жамияти институтлари ёшлар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида муҳим роль ўйнайди. Бу институтлар турли ташкилотлар, фондлар, жамоат бирлашмалари ва ННТларни ўз ичига олади. Улар ёш авлоднинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳолатини яхшилаш ва ривожлантириш учун турли дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширади. Шунингдек, бу жараёнда ёшларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган мониторинг ва ахборот-тарғибот фаолияти ҳам жамият учун жуда муҳим саналади.

Давра суҳбатида айнан шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

– Утган даврда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қўллаб қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган, – дейди Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази вилоят ҳудудий бўлини етакчи мутахассиси Шоира Охунжнова. – Улар ижроси юзасидан вилоятда ёшлар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида сал-

моқли ишлар амалга оширилган. Маълумотларга кўра, ҳозир ҳудудда 30 ёшгача бўлган ёшлар 1 миллион 542 минг 922 нафарни ташкил этиб, улардан 628 минг 542 нафари 14-30 ёшдагилардир. Уларни тадбиркорликка қизиқтириш ва хусусий секторда фаолиятини бошлашларига қўмаклашиш мақсадида 4 минг 110 нафар ёш иштирокида бизнес семинар, 680 нафар ёш иштирокида биз-



ЁШЛАР КЎНГЛИГА ЙЎЛ ТОПИШ ОСОНМИ?



нес учрашув, 400 нафар ёш иштирокида 6 та бизнес саёҳат ҳамда 1 минг 600 нафар ёш иштирокида бизнес марафон ўтказилган. Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ёшлар бирлашмаси томонидан ҳам

ёшлар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги лойиҳалар амалга оширилгани таъкидланди. Унда 16 ёшдан 35 ёшгача бўлган касаба уюшмалари аъзолари камраб олинди. Хусусан, 2021-2024 йиллар давомида ёшларда ватанпарварлик, юртга садоқат, ҳалоллик ва мардлик туйғуларини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзига жалб этишга қаратилган ўқув семинарлар ва маънавий-маърифий учрашувлар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ҳамда давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда Тошкент вилояти касаба уюшмаси Ёшлар бирлашмасининг 39 минг 850 нафардан зиёд аъзолари иштирок этди. Шунингдек, вилоятда ўз ташаббуси билан ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотлари орасида ёшлар ва болаларни қўллаб-қувват-

лаш ва ҳимоя қилиш йўналишида фаолият олиб бораётганлар ҳам мавжуд. Жумладан, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси” вилоят бўлими ўтган йил ногирон оила фарзандлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда солиқ тарбияланувчиларининг оилаларидан хабар олиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 миллион сўм миқдоридagi грант маблағларини олган. Ушбу маблағлар ҳисобидан маҳаллалардаги ногирон болалари бор оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда солиқ тарбияланувчилар оилалари ҳолидан хабар олинган. Уларни жамиятда ўз ўринларини топишларида қўмаклашиш борасида психологик ва маънавий қўмак берилди. Масалан, меҳрибонлик уйини тамомлаган ва ҳозирги кунда мустақил ҳаётга қадам босган битирувчи А.Юсуповга давлат томонидан берилган ўйни жиҳозлаши учун гилам, музлаткич ва юмшоқ мебель

олиб берилган. Шунингдек, отанаси ногирон бўлган оила болаларига ўқув қуроллари, санитар-гигиеник воситалар олиб беришда қўмаклашилган. Давра суҳбатида ёшларни меҳнат бозорига ақтуал касбларга ўқитиш ва иш топишларида қўмак бериш ҳамда соҳага инновацион методларни жорий этиш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон таълим ва инновацияларни ривожлантириш ассоциацияси нодавлат нотижорат ташкилоти фаолияти самарали йўлга қўйилгани айтиб ўтилди. Мазкур ассоциацияга охириги 5 йилда 700 миллион сўмлик грант маблағлари ажратилган. Шу асосида 2 минг 500 нафар ёшлар ва хотин-қизлар бухгалтерия, ахборот технологиялари, тадбиркорлик асослари, ижтимоий тармоқлардаги фаолият, менежмент, тикувчилик, график дизайн сингари замонавий касб йўналишлари бўйича мутлақо бепул ўқитилган. Шунингдек, 40 дан ортиқ таълим му-

ассасаларида турли тарғибот тренинглари ташкил этилиб, 3 мингдан зиёд тарқатма материаллар ва ўқув қўлланмалар тарқатилган. Бундан ташқари, мамлакатимизда “Ёшлар дафтари”нинг жорий этилиши ёшларга оид давлат сиёсати ижросини таъминлаш борасидаги энг муҳим қадам бўлди. Бугунги кунда 18-30 ёшдаги минглаб ижтимоий ҳимояга ҳамда иқтисодий қўллаб-қувватлашга муҳтож ишсиз ёшларнинг муаммоси ўз ечимини топа бошлади. Тадбирда ҳудудлардаги маҳаллаларда фаолият юритаётган ёшлар етакчилари нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда ишни самарали ташкил қилиш, ёшларга оид мавжуд муаммоларга ечим топиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. **НИГОРА УРОЛОВА,** “Тошкент ҳақиқати” муҳбири *Муаллиф олдан суратлар*

▼ Долзарб 90 кун

Ёзги таътилда умумтаълим мактабларида ижодий учрашувлар, қизиқарли беллашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Тошкент вилояти хо-

кимлиги ахборот хизмати ташаббуси билан “Долзарб 90 кунлик” тадбирлари доирасида Оҳангаронда давра суҳбати ташкил қилинди.



АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ: МАКТАБ ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАЛАРИ ЯШАЙДИ



Оҳангарон тумани Қорахотой қишлоғидаги 12-умумтаълим мактабида ўтган “Ижодкорлар ва ёшлар” учрашувида



Тошкент вилояти ҳокимининг матбуот котиби, журналист Бехзод Қобулов, “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари бош муҳаррири Ғайрат Шералиев, “Нурафшон” телеканали директори Олимжон Бегалиев иштирок этди.

Суҳбат давомида миллий контент яратиш йўлида изланишларга муштарак бўлган янги таклиф ва ташаббуслар хусусида фикр алмашилди, бу борада ёшларнинг мулоҳазалари эшитилди. Маърифий кечада ёш ижодкорлар шаклланидиган ўзига хос “адабий полигон” – мактаб деворий газетасининг аҳамиятидан келиб чиқиб, ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишга келишиб олинди. Эндиликда “Тошкент ҳақиқати” газетасида “Деворий газета” махсус саҳифаси

ташкил этилади ва ҳар ойда бир марта ижодга ҳавасманд ўқувчиларнинг ҳали гўр, бироқ зуваласи пишиқ асарлари истисно тариқасида чоп этилади, рағбатлантирилиб бо-рилади. Тадбирда Тошкент вилояти ҳокимининг махсус комиссияси – 500 донга турли ном ва йўналишлардаги китоблар ўқувчиларга ва мактаб кутубхонасига топширилди. **Санъат ИСЛОМОВ** (Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати) *олган суратлар*

▼ Огоҳлик

СИНАЛМАГАН СУВНИНГ СИНОАТИ КЎП

Айни кунларда ёзнинг жазирмаси билан юзма-юз келяпмиз. Саратон чилрасида кўпчилик дам олиш учун тоғли ҳудудларга бориши, сув ҳавзаларида чўмилишга интилиши табиий ҳол.

Мавсумда аҳоли, айниқса, ёшларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда чўкиш каби бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш долзарб масалага айланган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва Фавқулодда вазиятлар ва-зирлигининг қатор фармойишлари кўра, “Қамчиқ” дово-ни ҳудудидаги сув объектларида ҳам хавфсизликни таъминлаш бўйича қатор ташкилий-профилактик тадбирлар йўлга қўйилган.

Жумладан, доvon орқали ҳаракатланувчилар ҳамда дам олиш учун келган аҳоли ўртасида кўриқланмайдиган яъни, рухсат этилмаган очиқ сув ҳавзаларида чўмилмаслик, қолаверса, тоғли ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилган тадбирлар яхши самара бермоқда.

Мавсумга тайёргарлик доирасида дарё бўйидаги кириш йўлларида, сув омбори ҳудудида ва сойлар атрофида огоҳлантирувчи ёзувлар, белгилар ўрнатилди, назорат кузатув гуруҳлари томонидан кириш тақиқланган хавфли ҳудудларда 340 дан ортиқ профилактик тушунтириш ишлари ўтказилди.

Шунингдек, рухсат этилмаган жойларда чўмилиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича мунтазам рейдлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, доvon ҳудудидан оқиб ўтган Оҳан-

гарон дарёси, Қамчиқсой, Эртотсой ва сув омборига кириш ички йўллари автомобиль йўлининг 113, 125 ва 130-километрлари оралиғида вақтинча чегаралаш, яъни назорат кузатув постлари ташкил қилинди. Постларда навбатчиликни ўташ учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, махсус шлагбаумлар ўрнатилди.

Шу билан бирга, “Кириш тақиқланади!”, “Чўмилиш тақиқланади!” каби огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилди. Довон ҳудуди-дан ўтувчи ав-томобиль йўлининг тўрт нуқтасида ўрнатилган кенг форматли замонавий электрон таблолар орқали сувда чўкишларнинг олдини олишга қаратилган қисқа роликлар ва мурожаатлар мунтазам равишда намойиш этиб борилмоқда.

Шу ўринда доvon орқали ҳаракатланувчи фуқароларга эслатма: – доvon дарёлари, сойлари ва сув омборида рухсат этилмаган жойларда чўмилманг, бу жойлар кўриқланмаган ва туби ноаниқ; – болаларни қаровсиз қолдирманг, уларни доимий назоратда ушланг; – сув объектларига ўрнатилган огоҳлантирувчи ва тақиқловчи белгиларга амал қилинг.

Х.А.БОБОНОВ, “Қамчиқ” Махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармаси бошлиғи

Китобхонлик фестивали



Тошкент вилоятида ўқувчилар ва аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш, йигит-қизларнинг китоб мутолаасига бўлган қизиқишларини ўстириш мақсадида “Китобхонлик фестивали” ўтказилди.



Унда вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ва вилоят Болалар кутубхонаси директорлари, ўқувчилар ҳамда

ота-оналар иштирок этишди. Фестиваль доирасида “Ижодкор болалар”, “Энг китобхон ўқувчи”, “Энг фаол кутубхона мудирини”, “Энг китоб-

хон мактаб”, “Энг китобхон оила”, “Йилининг китобхон нурунийлари” кўрик-танловларининг ғолиблари тақдирландилар.

Тадбирда янграган куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият улашди. **Тошкент вилояти Болалар кутубхонаси Ахборот хизмати**

“Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари таҳририяти жамоаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоир Ботиржон Эргашевга волидаи муҳтарамаси **Сорахон ая МАДҒОЗИЕВАНING** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Azamir MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Shahboz NIZOMIDDINOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Behzod QOBULOV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxon:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'tolonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Zikrilla MUHAMMAD

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 18.30.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-835.

2 743 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

teriladi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

▼ Кўнгил шеvasи

Бозор иқтисоди деб, кўнгил касодига учраганлар Султон Али кимлигини англамадилар ҳам. Балки шу битикларни ўқиётди... сиз ҳам англамасиз. Қаргалар гулистонни эгаллан пайт, булбулга жой қайда? Учади, кетади. Султон Али ҳам учди-кетди. Бу элда, йўқ, бу элда эмас – бу дунёда унинг наволари қолди.



“Навосиз улуснинг навобахши бўл...” дейди ҳазрат Навоий.

Ажаб... Кечагина навосиз қолган улусга наво бахш этиб келган Султон Али бор эди, энди у йўқ!



Дунёда буюк бастакорлар кўп ўтган. Қозоқларнинг биринчи бастакори Абай, ўзбекларнинг биринчи бастакори Куйкиими, Кўҳақийми – аниқлаш учун тарихни қайта элдан ўтказиш керак... Бироқ бу туркий эл Султон Алидай бастакорни бир кўрди, кўп эшитади ҳали. У ўзининг боқувчиси эди. Боқди, катта қилди. Кейинчалик пулга зор дамлари... Ҳар лаҳза унга пул керак эди. Бироқ... ижодни пулга сотмади.

Деярли кўшиқ ёзиб бермасди хонандаларга.

Унга кўлаб кўшиқчилардан таклифлар тушарди. У ўткинчи куй ёзишни истамасди. Хонандаларнинг бу куйчиға мурожаат этишига

варди у. Шу Ватан ичра юракларни яшатиши келарди. У биларди: сувсиз тана қуриydi, куйсиз юрак. У куй ичра учди-кетди!

У бастакор Пол Мариога кизикарди. Майкл Жексон, Энегма куйларининг болалиқдан мухлиси эди. Тақлид қилди, таъсири қилди куйлар яратди. Сўнг эса ўз куйларини ёза бошлади. Шарқ оҳанги, Шарқ манзараси, бешиқдаги алла оҳанг-

тўдасини, арзон-гаров кўшиқларига куй ёзиб берадиган хиргой-ифурушларни тушунади, шекилли...

Султон Алининг орзуси жаҳон ареналарида “Кел, кўриб куй, мен ўзбекман” дея концерт бериш эди. Концерт беришга кўп ҳаракат қилди, тийинлаб маблағ йиғди. Имкони бўлмади. Бир мuddат аввал ижтимоий тармоқларда расман муро-

ҳуқуқини ҳимоя қилолмай сарсон кезарди сўнг...

Муסיқа мактаблари, олий даргоҳлари бор. Минглаб талабалар, минглаб ўқувчилар битиради. Юзлаб дипломи, костюмли ўқитувчилар йиллаб дарс беради. Султон Али бир соат дарс берса эди... Илми толибларга юзта ўқитувчи берган дарсдан кўпроқ мотивация бўлармиди...

Наво мулкунинг СУЛТОНИ

нинг буюклигини ҳали англаб етмаган ўзбек куйчиси эди!

Султон Алини кимга таққослаш мумкин? Узининг даврдоши бўлган Яннига таққослайдиган бўлсак... Янни ёлғиз эмас, жамоасида уни қўлловчи жаҳоннинг энг кучли чолғучилари бор, доимий равишда юздан ортқ чолғучилар унинг хизматида. Султон Алида-чи?

Бу гулистонни ташлаб, Германияга кетиб қолган Миразизни олиб келадими ё Америкага кетиб қолган бастакор созандалар Аббос Қосиму Рустам Маҳмудларни олиб келармиди? Маблағ-чи?

Янни Грецияда концерт қўядими, Австралиядами – барча имкониятлари бор. Султон Алида-чи?

Султон Али илк концертини 2006 йил Алматыда қўйди. Бу концертни мутасаддилар ташкил этиб берди, деб уйлайсизми? Йўқ, албатта.

Султон Али бахтли санъаткор эди. Бахтнинг шақли шунки: Алматыдан бир мухлиси излаб келди уни. “Алматыда концерт қўйинг, барча шароитни ўзим қилиб бераман”, – деди. Мухлис Султон Алини тўйга айтиб келмади. Концерт беринг, дея илтимос қилиб келди. У тайёргарликсиз концерт берди.

Қозоқ даштларида чалинган куйлар дунёга таралди. Эллик беш йиллик умрида 3 та концерт берди, холос. Иккинчи концертини 2007 йил Самарқандда берди. Ўзбекининг даҳо санъаткори билан биринчи ва охири марта ўша концертда кўришганман.

2011 йил Шарқ тароналарини телевизордан томоша қилдим. Султон Алининг куйи таралди. 2012 йил бир шеърни унга бағишладим-да, кейинчалик Феисбукдан ўзига юбордим. Бори шу. У ҳақда бошқа хотирам йўқ.

Эрта ўлди, дейишди. Эрта ўлмади. Улим умр сўнгда келади. У умрини харжлаб бўлган эди, унинг умрини еб бўлишган эди. Улибди, Чигатойга куйилибди...

Унинг қабрини изламадим – у ижодкор эди. Мен унинг мозорини ҳамгин ноталардан изладим. Чин ижодкорнинг мозори бўлмас. У куйлар оғушида яшар. У ўлгунча, у шу куйларни яратгунча не-не заҳматларни бошидан кечирмаган. Куйларининг қадри қанча баланд экан, демек шунча “баланд” заҳмат чеккан, ҳаётнинг бешафқатлиқларини кўп ва ҳўб кўрган, қанча ҳақиқатлар қаршида ғовлар турганига гувоҳ бўлган.

Унинг ҳамгин ноталари қандай? Ота-онаси эрта ўлди. Биринчи турмушидан бўлган кизларини ўн йиллаб кўролмади. Синглиси ўлди. Узининг олтига боласига қўшиб синглисининг икки фарзандини ҳам катта қилди. 8 фарзанд-



сабаб “Ялла”, “Шахризода” гуруҳларини, Насиба Абдуллаева, Дилдора Ниёзова, Нуриддин Хайдаров, Равшан Комилов каби хонандаларнинг машҳур куйларини бир пайтлар Султон Али ёзиб берганди. Куй ёзиб бермаган хонандалар Султон Алидан юз ўғирарди. Улар, афсуски, санъатни эмас, ўзларининг машҳурлигини севарди. Барча даҳо ижодкорларда бўлгани каби, Султон Али ҳам ёлғизлини қоларди. Унинг номини сотиб, менинг фалон муסיқамни Султон Али ёзиб берган, дея ўзларига ҳисоб йиғарди. Султон Алининг номи ҳам уларни санъат оламида туриши учун хизмат қиларди.

“Бу кеча”, “Бахт” номли куйларини олтин овоз эгаси Николай Басковлар Ўзбек куйчисидан илтимос қилиб олиб, кўшиқлар айтганида охириги дамларда.

Кўп касалликларга шифо изланади, шифо топилади. Султон Али йўлиққан касаллигининг шифоси йўқ эди. У муסיқасиз яшай олмасди. Касаллиги шу эди. Ўз истеъдодига содиқ қолди у. Чин ижодсиз яшай олмасди. Атрофида суратга алданган одамлар эди. Ҳамма унинг суратини биларди, ҳеч ким сийратига кизикмасди.

У Ватанини жонидан азиз биларди. Шу Ватандан озиқланган куйлар жаҳонни забт этишини истарди. Куйни сева олмаган инсон Ватан муҳаббатидан ҳам маҳрум эканлигини биларди.

Султон Алидек бастакорга чет эллардан таклиф тушмаган, деб уйлайсизми? Санъатни қадрлайдиган, ривожланган, қорни ҳам, қалби ҳам тўқ мамлакатлар, ҳалқлар қанча? Таклифлар тушган... Бироқ Султон Али ўз юртидан туриб дунёга сўз айтмоқчи эди... Асп санъатга эмас, халтурага кўнгил берган одамлар яшайдиган шу қадим тупроқни се-

ларигача юрак уриши ритмига хос тарзда куйларига сингди.

1994 йил “Ассалом, Ўзбекистон” куйини ёзди ва телевидениега олиб борди. Бундай куйни сен ярата олмайсан, бу куйни сен яратмагансан, бу куйни сен кўчиргансан, дея тўхмат қилдилар, кўқрагидан итардилар, қабул қилмадилар.

Сал ўтмай “Ассалом, Ўзбекистон” деган кўрсатув очилди ва бу куй кўрсатув охирига қўйилди. Сўнг эса бошига олинди ва ўн йиллар давомида халқ кўлоғига сингди...

Вақт ўтиб, “Давр”, “Ахборот”, “Замон” кўрсатувларида ҳам, радио оҳангларида ҳам... кейинчалик интернетдаги жуда кўлаб “ролик”ларда Султон Али куйларидан олинган улгилар янгарди. Мамлакатимизда барча байрам тантаналари унинг куйлари билан очилди.

Еган оқатига, кирган хожатигача пул бера оладиган бу эл, маънавий озуқага қандай пул тўлашни билмайдиган даражададир, афсуски...

У яратган куйлар гадодан тортиб бойнинг қўлоғига борган эди. “Бахт”, “Ўзбекистоним”, “Иккинчи симфония”, “Танго”, “Унутилган куй”, “Сеҳрли дунё”, “Ёлғизлик”, “Болалик”, “Қалб нидоси”, “Кун ва тун”, “Тақдир”, “Сир”, “Шарқ таронаси”... Унинг куйларини бутун дунё эшитган. Бутун дунё севиб тинглаган. Жаҳон классикасига айланган куйлар булар.

Эҳтимол, маданият бошдаргоҳлари қанчадан-қанча керак-нокерак лойиҳаларга ажратган пулини ўзбекининг даҳо фарзандининг концертлари учун сарфлаганидами – у Парижда концерт берадими, Римдами – дунёни эгалларди! Бу концертларга тикилган маблағлар ўзларига қайтарди ҳам.

Йўқ, улар бастакор деганда, санъаткор деганда “лапарчилар”

жаат ҳам қилди-я... Эҳ, эссиз, эссиз...

Султон Али жаҳон классикасига жавоб бера оладиган куйлар яратди. Аслида тўпикдан ҳам пастрларнинг давоси оламни бузади. Уртамиёналар ўз даражасини билмай, “даҳо”ликка даво қилади. Тарози посангиси бузилгани шу!

Аслида, ўртамиёна дегани ҳам бундай олганда жуда баланд даража... Қани эди, жамиятимизда чин маънода ўртамиёналар кўпайса эди. Туркий авлоднинг ўртамиёнаси ҳам жаҳонни забт эта олади.

Лекин Султон Али ўртамиёна эмасди-да!.. Қаршисига яқин икки асрдаги исталган бастакорни қўйиб кўринг. Куйлари исталгани билан беллаша олади!

Чин ижодкорнинг мозори бўлмас. У куйлар оғушида яшар. У ўлгунча, у шу куйларни яратгунча не-не заҳматларни бошидан кечирмаган. Куйларининг қадри қанча баланд экан, демек шунча “баланд” заҳмат чеккан, ҳаётнинг бешафқатлиқларини кўп ва ҳўб кўрган, қанча ҳақиқатлар қаршисига ғовлар турганига гувоҳ бўлган.

Бошқа томондан қараганда, санъатда ўртамиёна дегани бу ҳасадгўй, ғаламис, кўролма дегани! Ўртамиёнанинг яхисиси бўлмади. Яхисиси ўз мавқеини, ўрнини биларди, йўлининг четидан юради! Улар ниҳоятда санокли бўлади. Адабиётда ҳам шу!

Уша ёмон ўртамиёналардан барча душманликлар чиқади. Улар Султон Алини кўролмади, қаршисидagi даҳони тан олишни истамасди. Улар Султон Алининг янги, ҳали альбомга чиқмаган куйларини четга сиздирарди. Патентлашга ҳам уринмаган Султон Али муаллифлик

ТАҲРИРИЯТДАН: Бу гаплардан энди мuddао не, дея муаллифга эътироз қилмоқчи, материални қайтариб бермоқчи бўлди. Бунинг эълон қилиш худдики, “Ўлдине – азиз бўлдине” деб киноя қилиш билан баробардек туюлди.

Лекин, масаланинг бошқа жиҳати ҳам борки, халқимиз чинакам истеъдодларга бой, улар орасидан ҳали кўлаб даҳолар етишди, улар нафақат муסיқада, илм-фанда, адабиёт ва санъатнинг бошқа жаҳбаларида бутун жаҳонга ўз сўзларини айтадилар. Ана шунда кўнашлини ва бағирни кенг қилиб, уларга пешвоз чиқишга, қўллаб-қувватлашга тайёр турайлик!

Шекспир айтмоқчи, шудир масала...

Алвидо, маэстро!

Алвидо, наво мулкунинг Султони!

Талант ТОЛЕРАНТ